| O'zbekiston Respublikasi<br>Samarqand viloyati<br>Samarqand tumani | | Ўзбекистон Республикаси<br>Самарқанд вилояти<br>Самарқанд тумани |
|---|---|---|
| **HOKIMI** | | **ХОКИМИ** |

40

# ҚАРОР

9 yil «15» январь № 41-Қ

«Сайкал тайёрлов» МЧЖ га «Кайнама» кишлок фукаролар йигини худудида жойлашган мева сабзавот саклаш базаси худудидан омборхона куришга рухсат бериш тугрисида.

Узбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 20 моддаси, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун руйхатдан утказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тугрисида»ги карори, туман ер танлаш хайъатининг далолатномаси хамда туман хокимлигида «Сайкал тайёрлов» масъулияти чекланган жамиятининг кайд этилган алока хатига асосан

К А Р О Р   К И Л А М А Н :

1. «Сайкал тайёрлов» масъулияти чекланган жамиятига «Кайнама» кишлок фукаролар йигини худудида жойлашган мева сабзавотларни саклаш базаси худудидан омборхона куришга рухсат бериш тугрисидаги туман ер танлаш хайъатининг далолатномаси тасдиклансин.

2. «Сайкал тайёрлов» масъулияти чекланган жамиятига омборхоналарни куришдан олдин катъий равишда Узбекистон Республикасининг «Шахарсозлик кодекси» нинг 8,39,54 моддаларига амал килган холда архитектура талаблар топшириги (АРТ), лойиха смета хужжатларини тайёрлаб, давлат архитектура курилиш назорати инспекцияси руйхатидан утказиш юклатилсин.

3.Ушбу карор бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б.Кодиров зиммасига юклатилсин.

Туман хокими [signature] Б.Садуллаев

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani

**HOKIMI**

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани

**ХОКИМИ**

ИЮ

# ҚАРОР

009 yil «15» январ                                                   № 42-09

«Охалик кишлок фукаролар йигини «Мулиён» махалласида «Мадад омад» хусусий корхонаси томонидан биринчи навбат курилиши тугатилган шарк ширинликлари ва нон махсулотлари ишлаб чикориш цехини фойдаланишга кабул килиш тугрисида»

Узбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»-нинг 20 моддаси, туман хокимининг 2008 йил 4 февралдаги 126-К сонли карори, «Мадад омад» хусусий корхонасининг туман хокимлигига ёзган хати хамда туман давлат кабул килиш хайъатининг тузган далолатномасига асосан

К А Р О Р   К И Л А М А Н:

1. Тумандаги «Охалик» кишлок фукаролар йигини «Мулиён» махалласи худудида «Мадад омад» хусусий корхонаси томонидан туман хокимининг 2008 йил 4 февралдаги 126-к сонли карори асосида ажратилган ер майдонида шарк ширинликлари ва нон махсулотлари ишлаб чикариш цехини биринчи навбат курилиши тугатилганлигини инобатга олиб туман давлат фойдаланишга кабул килиш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиклансин.

2. «Мадад омад» хусусий корхонаси томонидан биринчи навбат курилиши тугатилган шарк ширинликлари ва нон махсулотлари ишлаб чикориш цехига эгалик килиш хукуки берилсин хамда кучмас мулк ва еркадастри хизмати булими руйхатидан утказиш топширилсин.

3. Ушбу карор бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б.Кодиров зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими**                                   **Б.Садуллаев**

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani

**HOKIMI**

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани

**ХОКИМИ**

# ҚАРОР

...9 yil "16" январ  № 60.К.

Самарканд тумани Куштамгали кишлок фукаролар йигинига карашли Кафтархона махалласида жойлашган савдо дукон биносига эгалик килиш хукуки фукаро Бокиев Асламга бериш тугрисида.

Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан тасдикланган "Бино, иншоотларни давлат руйхатидан утказиш тартиби тугрисида"ги 1998 йил 7 январдаги 387-сонли ва Узбекистон Республикасида "Ер участкаларни давлат руйхатидан утказиш тартиби тугрисида"ги 1999 йил 27 майдаги 736-сонли буйрикномаларига асосан фукаро Бокиев Асламнинг аризаси, Самарканд туман хокимининг 1997 йил 25 февралдаги 96-К ракамли карори, туман давлат солик инспекциясининг 2009 йил 14 январдаги № 03/1-124 сонли маълумотномаси, туман «Ермулккадастр» хизмати мутахассислари томонидан бажарилган инвентаризация хужжатларини инобатга олиб Узбекистон Республикаси Ер кодексининг 22-моддасига асосан

**Карор киламан:**

1. Самарканд тумани Куштамгали кишлок фукаролар йигинига карашли Кафтархона махалласида жойлашган А-литерадаги савдо дукон (курилиш остидаги майдони 126,0 кв.м), омборхона (курилиш остидаги майдони 111,3 кв.м) биносига эгалик килиш ва жами 580,0 кв.м ер участкасидан доимий фойдаланиш хукуки фукаро Бокиев Асламга берилсин.
2. Ушбу карор кабул килиниши муносабати билан фукаро Бокиев Асламга мазкур савдо дукон биносини давлат кадастр руйхатидан утказиш ва солик инспекциясига маълумотнома бериш вазифаси туман Ермулккадастр хизмати давлат унитар корхонаси бошлиги Т. Шаропов зиммасига топширилсин.
3. Ушбу карорнинг бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б. Кодиров зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими:** **Б. Садуллаев**